

«26» январь 2022 йил
№28/234

АТБ “Универсал банк”
акциядорларига

**АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ “УНИВЕРСАЛ БАНК” АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ
НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДАГИ
ХАБАР**

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва Банк Уставига асосан Қўқон шаҳар, Шохрухобод кўчасида жойлашган (электрон почта манзили - info@universalbank.uz.) Акциядорлик-тижорат банки “Универсал банк” Сизга 2022 йил 18 февраль куни соат 12-00 да Қўқон шаҳар Шохрухобод кўчасида жойлашган банк биносида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида хабар беради.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар қилиш учун банк акциядорлари реестри 2022 йил 26 январь ҳолатига тузилган.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга банк акциядорлари реестри 2022 йил 14 февраль ҳолатига тузилади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
2. Банк Кузатув кенгаши томонидан тайинланган Бошқарув раисини тасдиқлаш.

Йиғилиш қатнашчилари 2022 йил 18 февраль куни соат 11-00 дан 11-55 гача рўйхатга олинади. Акциядорлар ҳамда уларнинг вакиллари йиғилишда шахсни тасдиқловчи ҳужжат ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома асосида қатнашади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўришда акциядорларга такдим этилиши лозим бўлган ахборотлар билан Қўқон шаҳар Шохрухобод кўчасида жойлашган банк биносида танишишингиз мумкин. Маълумот учун Банкнинг Қимматли қоғозлар ва акциядорлар билан корпоратив муносабатлар департаментига мурожаат қилишингиз мумкин. Мурожаат учун телефон: (+99878) 229 – 82 – 29, ички рақам 1020.

Ҳурмат билан,

Бошқарув Раиси в.в.б



А.А.Буваназаров